

ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 3

« 03 » Июнь 2022 йил

Урганч шаҳар

Бир томонидан уз низоми асосида иш юритувчи «ARION GREEN STROY» МСНД раҳбари С.Зарипов (кейинги уринларда «Бажарувчи») иккинчи тарафдан Чап Киргок Амударё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиги Б.Ганджаев (кейинги уринларда «Буюртмачи») деб номланади.

1. Шартнома мазмуни

1.1 Ушбу шартномага мувофиқ «Бажарувчи» «Буюртмачи»га пуллик хизмат курсатади. **ВМ-243 карорнинг 3-иловасига асосан** насос станцияларини босимли қувирларини жорий тамирлаш, пул тулови, томонларнинг жавобгарлигидан иборат. Бажарувчи билан Буюртмачи уртасида ушбу шартнома асосида қушимча келишув баёни тузилиши мумкин.

1.2 «Буюртмачи» узига тегишли булган насос станцияларидаги босимли қувирларни таъмирлатиш учун «Бажарувчи»га буюради. «Бажарувчига» уз томонидан ушбу мол-мулкни спецификация буйича кейинги хизматини бажариш мажбуриятини олади.

2. Бажарувчи мажбуриятлари

2.1 Бажарувчи ҳар бир насос станцияни уртача етти ёки ун иш куни давомида жорий таъмирлаб беради ва буюртмачи томонидан насосга урнатилган жойдан сув чиқариб синовдан утказилиб топширилади ва беш йил муддатга қафолат берилади. Бунда насос станциялари барча турдаги мослама ва қурилмалар уз нормасида ишлаб турган булиши шарт. Уларнинг химоя воситаси ишлаб турган булиши шарт, агар камчилик булса «Буюртмачи» томонидан камчиликлар бартараф қилинади. Камчиликларни буюрувчи томонидан бартараф қилинган булса қафолат муддати қузда тугилади.

2.2 Агар жорий таъмирлаш муддатидан кечиктирилса ҳар бир кечиктирилган кун учун жорий таъмирлаш баҳоси учун 0,4% миқдорида устама ҳақ ҳисоблаб буюртмачига тугайди. (устама ҳақи жорий таъмирлаш баҳосининг 50% ошмаслиги керак)

3. Буюртмачи мажбуриятлари

3.1 Буюртмачи қувирни уз юк транспорти билан бажарувчига жорий таъмирлаш учун олиб боради ҳамда жорий таъмирлашдан насос станциясига уз транспорти билан олиб кетиб урнатади ва жорий таъмирланган қувирни синовдан утказилади.

3.2 Буюртмачи жорий таъмирланиши керак булган қувирни учун олдиндан 30% суммани бажарувчи ҳисоб рақамига утказида. Қолган суммани қувирни жорий таъмирлангандан кейин йиғирма банк иш куни мобайнида утказиб беради. Агар ушбу утказиб берилиши керак булган суммани туглаш муддатини кечиктирса, ҳар бир кечиктирилган кун учун жорий таъмирлаш баҳосининг 0,4% миқдорида устама ҳақ ҳисоблаб бажарувчига тугайди, (устама ҳақ жорий таъмирлаш баҳосининг 50%дан ошмаслиги керак).

4. Шартнома миқдори

4.1 Шартноманинг умумий баҳоси **879 000 000 (саккиз юз етмиш тўққиз миллион)** сумми ташкил қилади. **ККС билан**

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарчилик ушбу шартномада кузда тутилган ҳолларда «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги» қонуни ва фуқаролик қонуни билан тартибга солинади.

5.2 Агар шартнома шартларининг бажарилмаганлиги, шартнома тузилгандан сунг юзага келган сув тошқини, енгин, zilзила ва бошқа табиий офатлар (тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланса) эмборго оқибати ҳисобланса, томонлар ушбу шартнома буйича уз мажбуриятларининг тулик ёки қисман бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

6. Шартномани амал қилиш муддати

6.1 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб уз кучига кириб 2022 йил 31-декабргача уз кучида қолади ва шартнома буйича узгартиришлар киритилса, ёзма равишда томонларга билдирилади.

7. Шартноманиннг бошқа шартлари

7.1 Ушбу шартномани бажариш масалаларида буюртмачи ва бажарувчи уртасида келишмовчиликлар келиб чикса, томонлар узаро музокаралар орқали ечадилар, агарда масала ечимини топмаса амалдаги қонунларга мувофиқ Хужалик судларига муурожаат қилишлари мумкин.

7.2 Томонлар уртасида ушбу шартнома билан кузда тутилмаган муносабатлар юзага келганда томонлар Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига таянадилар.

Ушбу шартнома икки нусхада ёзилиб томонларда сакланади ва тенг кучга эга.

Томонларнинг юридик манзилгоҳлари ва банк реквизитлари:

« Б У Ю Р Т М А Ч И »

Чап Киргок Амударё ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси

Манзили: Урганч шаҳар Саноатчилар кучаси 1-а уй Марказий банк ХККМ
МФО: 00014, ИНН: 201122919
Молия Вазирлиги Газначилиги
Тел: 227-44-75
ХР: 23402000300100001010
ШХР: 100021860334017042402170007
ИНН: 202583606 ОКЭД:

Бошлик

Б.Ганджаев

« Б А Ж А Р У В Ч И »

«ARION GREEN STROY» MCHJ

Манзили: Янгиарик тумани Урганч м
Х/р: 202080007055219000001
ОАТБ Хамкорбанк Урганч филиали
МФО: 01020 ИНН: 309 488 501
тел (97)511-20-11 ОКНХ:

Рахбар

С.Зарипов

Юрист



Handwritten signature of the lawyer.

